*Сессия олдидан*

# ИНВЕСТОР УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси (иккинчи ўқишда) ҳам муҳокама қилинади. Хўш, бу лойиҳа нимаси билан диққатни ўзига жалб қилади? Қайси жиҳатлари билан муҳим? Масалага шу нуқтаи назардан қарасак, энг аввало, ишлаб чиқаришга чет эл сармоясини олиб киришда катта аҳамият касб этади. Мазкур лойиҳада ер ости қазилма бойликларини ҳамкорликда қидириб топиш, фойдаланишга топшириш ва охир-оқибатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ўзаро тақсимлаш тамойиллари белгиланган. Чет эллик сармоядор эндиликда ҳеч иккиланмай бу ишга киришиши, харажатларни ўз зиммасига олиши мумкин. Сабаби мамлакатимизда унинг ҳақ-ҳуқуқлари тўла кафолатланган.

Назаримда, бу ҳол чет эл сармоясининг оқиб келишига шароит яратади. Чунки юртимизда қазилма бойлик заҳиралари жуда кўп. Тахминларга кўра, Қашқадарёда 25 хил ноёб элементларга бой конлар мавжуд. Уларнинг айримлари аниқланган. Масалан, Яккабоғдаги Бўйноқсой чиннитош конини олайлик. Ундаги чиннитош тиниқлиги ва софлиги билан дунёда ягона ҳисобланаркан. Коннинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари олимлар томонидан ишлаб чиқилган ва кон давлат заҳирасига олинган. Фақат ундан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда чет эллик ҳамкорлар кўмаги зарур. Агарда қонун лойиҳаси муҳокамадан ўтса ва депутатлар томонидан қабул қилинса, янги-янги қазилма бойликлар мамлакатимиз равнақи йўлида сафарбар этилган бўларди, деб ўйлайман.

**Абдурасул ҒОФИРОВ,**
**Қамаши тумани марказий шифохонаси бош врачи, Олий Мажлис депутати.**

*Сим орқали мулоқот*

# «ХАЛҚНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ УСТУНДИР»

**Шу кунларда Олий Мажлиснинг VII сессияси муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳаларини депутатлар ўз сайловчилари билан биргаликда муҳокама қилишмоқда. Шу боис мухбирларимиз халқ вакиллари билан телефон орқали боғланиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини сўрашди.**

**Ражаббой ЙЎЛДОШЕВ,**
**242-Амударё округидан депутат:**

— Биз сессияга алоқадор бўлган деярли барча қонун лойиҳаларини олдик. Ҳозир сайловчиларимиз билан лойиҳалар юзасидан учрашувлар ўтказяпмиз. Сайловчиларимиз ҳаммадан ҳам икки палатали парламент масаласига қизиқиш билан қарамоқдалар. Берилаётган саволларнинг аксарияти ана шунга доир, десак хато бўлмайди. Шу боис жойларда янги парламент моҳиятини тўлиқроқ тушунтиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Биз икки палатали парламентга ўн йиллик қонун чиқариш тажрибасидан сўнг, унда ҳам умумхалқ фикри-референдум воситасида ўтишни мўлжаллаяпмиз. Бу жуда ҳам муҳим жиҳат, деб ўйлайман. Чунки фуқаролик жамиятини бунёд этаётган эканмиз, халқ билан маслаҳатлашиш ҳамиша устувор бўлиши керак. Қолаверса, бу фуқаролик жамиятининг асосий тамойилларидан биридир. Бунда халқ хоҳиш-иродасининг устунлиги амал қилади. Мен шахсан янги парламент тузиш масаласининг умумхалқ референдуми даражасига кўтарилганини оқилона тадбир, деб ўйлайман ва қўллаб-қувватлайман.

**Ўрол ЧЎТБОЕВ,**
**143-Шўрчи сайлов округидан депутат:**

— Мамлакатимизнинг 2002 йилги Давлат бюджети лойиҳасини сайловчиларимиз — иқтисодчилар, турли соҳа вакиллари иштирокида бир неча бор кўриб чиқдик. Халқ — хазина, деган гапга ана шунда яна бир бор ишондим. Сиртдан қараганда, улар бюджетни тушунишармикан, деган фикрга ҳам борасиз. Аслида-чи? Аслида халқнинг билмайдиган нарсаси бўлмас экан.

Сайловчилар, айниқса «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги, «Чиқиндилар тўғрисида»ги ҳамда «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳақида кўплаб саволлар беришмоқда

Сайловчилар билан учрашувларда табиий равишда кўпдан-кўп таклиф ва мулоҳазалар ҳам пайдо бўлмоқда, янгича қарашлар вужудга келмоқда. Учрашувларимиздан сўнг уларнинг ҳаммасини жамлаб қонун лойиҳасини тайёрлаган тегишли қўмита ва комиссиялар ҳузуридаги ишчи гуруҳларига тақдим этамиз.

**«Халқ сўзи» мухбирлари**
**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ**
**ва Исмат ХУДОЁРОВ ёзиб олди.**

*Олий Мажлисда*

# Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади

Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти билан ҳамкорликда ташкил этган «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» мавзуидаги илмий-амалий конференцияни қўмита раиси Нарзулла Жўраев кириш сўзи билан очаркан, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ота-боболаримиз анъаналарига содиқ, ақлан етук, жисмонан бақувват ёшларни камол топтириш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар хусусида атрофлича тўхталди.

Анжуманда таъкидландики, баъзи вилоятларда спортнинг оммавийлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Спорт мутахассислари кам, ёшларнинг талаб ва қизиқишлари тўла ҳисобга олинмаётир. «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун ва ҳукуматимизнинг ушбу масалага бағишланган қатор қарорларини ҳаётга татбиқ этишда хато-камчиликларга йўл қўйилмоқда. Конференцияда характерли далиллар келтирилди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги ўрта мактабларда 6 миллион ўғил-қиз таълим олаётган бўлса, уларнинг атиги бир миллион нафари спорт билан доимий шуғулланади, холос.

Республикамиздаги мавжуд мактабларнинг ҳаммаси ҳам ўз спорт майдончаларига эга эмас. Айниқса, мутасадди раҳбарлар томонидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётганлиги ачинарли ҳолдир. Мана, бир мисол. Навоий вилоятида ўрта мактабларни спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун жорий йилда атиги 700 минг сўм маблағ ажратилган, холос. Бу ҳар бир мактабга 2000 сўмдан тўғри келишини ҳисобга олсак, изоҳга ҳожат қолмайди.

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан ташкил этилган ушбу конференция ўз-ўзини танқид, ошкоралик руҳида ўтди. Унда соғлом авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлашга қаратилган муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди, тегишли тавсиялар берилди.

**Носир ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўрта ва кичик бизнес*

# ЧИРОҚЧИДА ПИГМАТИТ КОРХОНА

**Пигматит нима? У қандай мақсадларда ишлатилади? Мутахассисларнинг айтишича, пигматитдан турли-туман электр жиҳозлари, изоляторлар ясалади. Айниқса, пигматитдан тайёрланган биллур етти хил рангда товланади. Ойналарни-ку қўяверинг. Бўёқларни айтмайсизми? Хуллас пигматит электр саноатида, чиннисозликда, ойна ва бўёқ ишлаб чиқаришда жудаям керак.**

— Мана бу қизғиш тош тандирдан чиққандан кейин оппоқ бўлади, — дейди Чироқчидаги «Пигматит» масъулияти чекланган жамият раиси Улуғбек Сўфиев. — Шунинг учун ҳам чинни, ойна ва бўёқ корхоналарига сув билан ҳаводек зарур.

— Шуни эътиборга олиб Қўчқорбулоқ қишлоғидаги пигматит конини ишга тушириш чорасини кўрдик, — дейди Чироқчи тумани ҳокими Файзулла Ашуров.

Маълум бўлишича, Қўчқорбулоқ қишлоғидаги пигматит конидан қазиб олинган хомашё узоқ йиллар мобайнида Россияга жўнатилган. Унинг инон-ихтиёри ҳарбийлар қўлида бўлган. Дастлабки карьердаги заҳира тугагач, у ёпиб қўйилган. Шундан бери орадан анча-мунча вақт ўтган.

Айни пайтда мамлакатимизда пигматитга эҳтиёж жуда катта. Тошкент, Самарқанд, Кувасой, Ғазалкентдаги чинни ва ойна ишлаб чиқариш корхоналарининг тўла қувват билан ишлаши учун айнан ана шу маъдан талаб этилади. Нима қилиш керак? Жавоб битта. Пигматит конидан фойдаланиш зарур. Чироқчи туман ҳокими Файзулла Ашуров шундай қарорга келди. Геологлар билан маслаҳатлашди. Пигматит заҳираси қанчалиги яна бир бор ўрганилди. Аниқ хулосалар олинди. Шундан кейин у тадбиркорларни жалб қилди. Кувасойдаги ойна заводида кўп йиллар муҳандис бўлиб ишлаган Улуғбек Сўфиевнинг режаси, лойиҳаси унга маъқул тушди. Шундай қилиб ҳамкорликда иш бошлаб юборилди. «Пигматит» масъулияти чекланган жамият шу тариқа дунёга келди. Улуғбек Сўфиев банкдан 200 миллион сўм кредит олди. Унга Кемероводан ускуна ва жиҳозлар келтирилди. Шунга ҳам мана 7-8 ой бўлиб қолди. Шу вақт мобайнида тошни ушоқлаб, ун қилувчи тегирмон қурилди. Айни чоғда у синовдан ўтказилмоқда. Кондан то тегирмонгача йўл солинди. Электр линияси тортилди. Хуллас, қисқа фурсатда бинойидек корхона пайдо бўлди. Корхонада 56 киши ишлаяпти.

— Бу ҳали ишнинг бошланиши, — таъкидлайди Файзулла Ашуров. — Пигматит корхонаси фойдаланишга топширилгач, 150 киши иш билан таъминланади. Бу яхши. Лекин Қўчқорбулоқ ва унинг атрофидаги қишлоқларда 2,5 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти ишсиз. Фақат мол боқиб, кун кўради. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи жиҳати шуки, фақат хомашё сотиш билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Ишчи кучи бор. Хомашё етарли. Демак, хомашёни шу ернинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулот чиқариш керак. Шундай қилинса, қишлоқ одамлари иш билан таъминланади. Муҳими, энг сифатли чинни ва ойна, биллур шу ерда тайёрланади. Бўёқ ҳам, электрод ҳам, изоляторлар ҳам шу ерда ишлаб чиқарилади.

**Тўғри, бу жуда қийин ва мураккаб иш. Бунинг учун энг замонавий хорижий технология ва ускуналар, жиҳозлар талаб этилади. Лекин бу хом хаёл эмас. Яқин орада 1 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олишни мўлжаллаб турибмиз. Лойиҳамиз маъқул топилиб, режамиз амалга ошиб қолса борми, унда бу жойни таниб бўлмай қолади. Қишлоқлар қиёфаси бутунлай ўзгариб кетади. Йўллар кенгайтирилиб, асфальт ётқизилади. Табиий газ келтирилади. Тоза ичимлик суви билан таъминланади.**

Файзулла Ашуровнинг гапини тинглаб туриб, атрофга разм солиб, хаёлимдан «қилса, бўларкан-ку» деган фикр ўтди. Тўғри-да, Чироқчида довруқ солиб, не-не ҳокимлар ўтмади. Улардан нима қолди? Қайси бири қандай иморат қурдирди? Файзулла Ашуровнинг ҳоким бўлганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин шу фурсатда у кўп ишларни қилиб улгурди. Савол туғилади: у бунга қандай эришмоқда? Жавоб эса оддий. Одамларда ташаббускорликни уйғотиш орқали. Шу туфайли туманда қисқа вақт ичида тижорат бозори қурилиб, ишга туширилди. Йўл-йўриқ, рағбат ҳокимликдан бўлди. Бошқа ҳамма ишлар, сарф-харажатларни ўзлари қилишди.

— Чиялидаги Қумдарёнинг икки қирғоғидаги қум барханлари бахмалдай майин, — гап орасида айтиб қолди ҳоким. — Ундан кварц ишлаб чиқариш мумкин. Айни пайтда унинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Бундан ташқари, туманда мебель корхонаси очамиз, «Файз» компанияси билан ҳамкорлик ўрнатаяпмиз.

Улуғбек Сўфиевнинг айтишича, ҳозирдан пигматитга буюртмалар тушабошлаган. Шартнома тузишни хоҳлаётганлар мамлакатимиздан ҳам, чет элдан ҳам чиқмоқда. Тошкент, Самарқанд, Кувасойдаги чинни ва ойна ишлаб чиқариш корхоналари билан шартнома тузилган. Самарадаги ойна заводи ҳам шартнома имзолаган. Чехиянинг «Прага» ойна заводи ва Германиядан хомашёга талаб бўлмоқда. Туркманистондан харидор келаяпти.

— Ҳар ойда 4-5 минг тонна пигматитни ун ҳолида истеъмолчиларга етказиб бериш қувватига эгамиз, — дейди Улуғбек Сўфиев. — Шу тариқа ишласак кредитни дарҳол қайтариш имкони бўлади. Хомашё заҳираси 130-150 йилга етади.

«Пигматит» корхонаси жорий йил октябрь ойида синовдан ўтказилди ва иш бошлади. Худо хоҳласа, қачонлардир бу ерда замонавий чиннисозлик корхонаси пайдо бўлади. Ҳокимнинг интилиши, ҳаракати шундай дейишга асос бўлади.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Конституцияни ўрганамиз*

# ЭРКИНЛИКНИНГ ҚАДРИ

## *уни тўғри англай олишда*

Ҳар гал мамлакатимиз Конституциясини варақлаганимда дилим равшан тортади. Унинг ҳар бир моддасида чуқур маъно, халқ хоҳиш-иродаси, мусулмончилигимизга нақадар мос жумлалар сингдирилганини ҳис этаман. Шу ўринда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишининг бугунги ҳаётимиз учун нақадар муҳим эканлигига иймон келтираман.

**«Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди»,** дейилади Конституциянинг 61-моддасида.

Дарвоқе, Конституция мамлакатимиз қонунлари мажмуаси. Унга бошқалар сингари диний уломалар, барча диндорларнинг итоат этишлари шарт. Негаки, қонун олдида ҳамма баб-баравар. Давлатнинг диний бирлашмалар фаолиятига аралашмаслиги бизга берилган катта эркинлик. Бу эркинлик эса диний уломаларни давлатдан ажралган ҳолда фаолият кўрсатишга эмас, балки давлат сиёсатини қўллаб-қувватлашга, уни амалга ошириш борасида олдинги сафда бўлишга чорлайди.

Бизнинг бугунги бош вазифамиз халқни яхшиликка, тўғриликка, эзгуликка, ҳидоят йўлига бошлаш. Жамият, халқ бахт-саодати учун хизмат қилолмаган диндор Оллоҳ олдида гуноҳкор ҳисобланади.

Самарқанд шаҳрида Имом Абу-Мансур Мотуридий ҳазратларининг ёдгорлик мажмуаси очилганига бир йил тўляпти. Унинг очилиш тантаналарида Президентимизнинг шахсан иштироклари, улуғ аллома ишлари ҳақидаги нутқи-иродлари бошимизни кўкка етказди. Билими, ақл-заковати билан бутун дунёга машҳур, жаҳон тан олган буюк бир алломанинг дафн этилган қабри яна обод бўлди, муқаддас зиёратгоҳга айланди. Ана шу эзгу ишлар бошида Юртбошимизнинг ўзи турди, ўзи раҳнамолик қилди. Шу боис халқимиз Имом Абу-Мансур Мотуридийдек алломасини таниди, унинг таълимотини ўрганиш эса ҳануз давом этяпти.

Бу фикрларни айтишимдан мақсад, бугун Конституциямизни ўрганишимиз, унга қатъий риоя этиш, қадриятларимизни англаш азиз-авлиёларимиз руҳи-покларини шод этиш билан ҳам боғлиқ эканлигида. Биз ҳаммамиз шу муқаддас тупроқда яшаяпмизми, унинг дахлсизлиги учун ҳаммамиз жавобгар эканлигимизни ёддан чиқаришга асло ҳаққимиз йўқ. Бунинг учун, энг аввало, билим-заковатли, ақл-идрокли, ҳуқуқий жиҳатдан етуклик талаб этилади. Халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг айнан шунга интилаётгани, иншоолло, эзгу мақсадларимиз сари йўл очгай.

**Маҳмудхон МУХТОРОВ,**
**Самарқанд шаҳридаги Имом Абу-Мансур Мотуридий ёдгорлик мажмуасининг имом-хатиби.**



# ЎҚИШИМИЗ, УҚИШИМИЗ ШАРТ

**ўшанда Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳиятини англаб етган бўламиз**

Мен деҳқон одамман. Очиғини айтадиган бўлсам, илгариги қонунларнинг мағзини чақишга қизиқмасдим. Нега деганда, ўша давр қонунлари одамлардан кўра, кўпроқ давлат манфаатларига ён босарди. Бунинг устига ё зўри бор, ёки зари борлар ўша қонунларни ўз томонига оғдириб юборарди. Бизга ўхшаганлар бир чеккада қолиб кетаверардик.

Энди тамомила бошқача ҳолатни кўриб турибмиз. Қонунларимиз оддий деҳқонгаям, мансабдоргаям баб-баравар. Шунинг учун ҳам ўзини билган, ўз қадрига етган одам қонунларимизни, давлат белгилаб қўйган тартиб-қоидаларни ҳурмат қилади. Бўйсунади. Мен уйдагилар битта дастурхон атрофига жамланганда, болаларим, яхши юриб-яхши туринглар, қонун-қоидаларга амал қилинглар, ўз ҳуқуқларингни билинглар, деб кўп гапираман. Тўғри-да, ҳукуматимиз халқпарвар бўлса, мактабларда ўғил-қизларимизни бир сўм сарфлатмай ўқитса, хасталаниб қолгудай бўлса даволаса, кексаларга ойма-ой нафақа бериб борса, боласи кўп аёлларнинг бошини силаса, етим-есирларни бағрига олса, бундайроқ оилаларга қайишса. Яна нима қилсин! Бундай ғамхўрликларни боқиб катта қилган болангиз ҳам қилмайди. Ё нотўғрими?

Қишлоқда яшаймиз. Шукур, емоқ-ичмоқдан камимиз йўқ. Тоза сув жўмракдан оқиб турибди. Ўчоқда газ пориллаяпти. Болаларимизнинг кўпи машинали бўлди. Уларнинг кийинишларини бир кўрсангиз бай-бай. Бозорма-бозор юриб, ўзларига кийим танлайди-я. Қизларимиз-чи? Шаҳардаги пардозхоналарга бориб, ўзига оро бердиради. Хўш, тағин нима керак?

Яқинда хўжалигимиз раиси янаям яхши яшаб, яхши ҳаёт кечиринглар, деган ниятда газ тўловларидан бизни озод қилди. Энди салкам 900 хонадонга газ ўлчагич ўрнаттириб бермоқчи. Кейинги йилларда Гулқишлоқ, Қўғонча маҳаллаларида янги мактаб, амбулатория бинолари қурилиб ишга туширилди. Қишлоқ ободонлашди. Омборларимиз бўлса донга тўлди.

Энди ўйлаб кўринг. Ана шу ишларнинг бариси Конституциямиз туфайли эмасми? Биз, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларимизни, манфаатларимиз, бурч ва вазифаларимизни шу муҳим ҳужжат ҳимоялаб турган экан, янада улканроқ парвозга лойиқмиз. Мен шахсан бир умр Асосий Қонунимиз китоб жавонларимиз тўридан ўрин олмоғини, ўқилавериб, варақланавериб қалбимизга муҳрланиб қолишини жуда-жуда истайман.

**Аҳмаджон ҚОДИРОВ,**
**Шаҳрихон тумани.**



Пскент пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти жорий йилда шартнома асосида деҳқонлардан 26 минг тоннадан ортиқ қимматбаҳо саноат хомашёсини қабул қилиб олди. Айни пайтда корхонада «оқ олтин»ни қайта ишлаш қизғин давом этмоқда. Ҳозиргача 500 тоннадан ортиқ пахта қайта ишланди. Ярим тайёр маҳсулот ҳолига келтирилган толалар шартномага кўра чет мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Шунингдек, ҳиссадорлик жамиятида қўшимча ишчи ўринларини яратиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Масалан, яқинда нон ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилди. У аҳолини нон махсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда салмоқли ҳисса қўшиши табиий. Шунингдек, нотўқима матолар тўқиш цехини ишга тушириш борасида ҳам чора-тадбирлар кўриляпти.



*СУРАТЛАРДА: ҳиссадорлик жамияти раиси Сарван Мирзаев ишчи Абдуғани Йўлдошев билан; тайёр ҳолга келтириб қўйилган пахта тойлари.*

**Акбар АЛЛАМУРОДОВ олган суратлар.**

*Мутахассис минбари*

# БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ КЎЗГУСИ

**Юртимиз ўз табиатининг ранг-баранглиги, бағрикенг халқи билан Ер юзидаги барча мамлакатлар ичида ажралиб туради, десак асло муболаға бўлмайди. Жонажон Ватанимиз катта замин — ер заҳирасига эга, бу заҳира келажакда ҳам авлодларга маскан бўлади, уларни боқади, кийинтиради, дастурхонини кўркам, давлатни қудратли қилади. Мана шундай беқиёс бойлик — ер ресурсларининг ҳозирги ҳолатини атрофлича кенг мазмунда ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 10 йиллигига бағишлаб Тошкент картография фабрикаси «Геоинформкадастр» шўъба корхонаси билан ҳамкорликда Ер ресурслари давлат қўмитаси «Атлас» чоп этди.**

Маълумки, Атлас республика ер ресурслари тўғрисида ҳар хил мазмундаги харита материалларнинг тўплами ҳисобланади. У Ватанимиз ҳаётига доир сермазмун расмлар, тарихий лавҳалар билан бойитилган.

Атласнинг бошланиши республикамизда асосий экин ҳисобланган пахта ва ғалла майдонлари акс эттирилган байроқ фонида давлатимиз Президенти И. Каримовнинг «Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз — яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат — бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизда жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим», деган сўзлари билан бошланади.

Атласда Ўзбекистон Ер ресурслари тўғрисида қисқача маълумот берилиб, давлатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб 10 йил давомида ер ресурсларини ўрганиш ва ер муносабатларини тартибга солиш, ердан фойдаланиш, ҳимоялаш, унинг самарадорлигини ошириш борасида қўлга киритилган ютуқлар тўғрисида маълумотлар келтирилади. Атласнинг асосий мақсади ва мазмуни — Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг умумий тавсифи, ҳолати ва ердан фойдаланиш ҳақидаги маълумотларни мужассам ҳолда ифодалашдир.

Атлас асосан 2 та катта қисмдан иборат. Унинг I-қисмида 1:3000000 миқёсидаги республикамизнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши, табиий, ер фонди, сув хўжалиги, тупроқлари, эрозияга қарши тадбирлар, яйловлар, суғориладиган ерларнинг шўрланиши, гипсланиши ва тошлоқлиги даражаси, аҳоли зичлиги, экологик минтақалаштириш, агроиқлим каби 14 хилдаги харитани бирлаштиради. Бу хариталарга энг сўнгги маълумотлар асосида ёзилган тушунтириш матнлари ҳам қўшимча қилинган.

Масалан, Атласда келтирилган «Тупроқ» харитасини олайлик. Бу ерда республикамиз ҳудудида учрайдиган 41 та тупроқ типи ажратилганлигидан ташқари, бу тупроқларнинг келиб чиқиши, хоссалари ва фойдаланиш йўллари ихчам, лекин жуда сермазмун матнда ёритилади. Атласнинг биринчи қисмида ўз аксини топган 14 та харита орқали муштарий республикамиз ерлари, улардан оқилона фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати тўғрисида ўзига керакли билимларни олишига ишончимиз комил.

Атласнинг II қисмида эса — Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 вилоятнинг ер ресурслари, қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлар, уларнинг сифати, қиймати ҳамда туманлари тўғрисида маълумотларни акс эттирган 1:4000000 миқёсдаги хариталар келтирилган. Ҳеч иккиланмасдан айтиш лозимки, республикамиз, айниқса, унинг вилоятлари тўғрисида янги маълумотлар билан бойитилган хариталар мажмуаси — Атлас биринчи маротаба кенг миқёсда оммалаштирилди. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси 63 бетдан иборат Атлас билан танишса, республикамизнинг Ер ресурслари, уларнинг ҳозирги ҳолати тўғрисида мукаммал билимга эга бўлади.

Албатта, Атлас тузилди, у халқ хўжалигининг керакли тармоқларига етказилди, шу билан ер ресурсларидан фойдаланиш муаммолари ўз ечимини топди, деган гап эмас. Атлас ишлаб чиқаришга тақдим қилингандан кейин, фикримизча, асосий иш бошланади, яъни Атласда келтирилган харита маълумотлари ёрдамида ер ресурсларидан фойдаланишнинг истиқболли режасини тузиш лозим.

Республика Ер ресурслари давлат қўмитаси ташкил қилингандан кейин унга қарашли илмий-тадқиқот ва илмий-лойиҳалаш институтларида, вилоятдаги унинг бўлимларида кадрларни танлаш ва уларни иш билан таъминлаш соҳасида кўп хайрли ишлар қилинди. Ҳозирги кунда республикамизнинг барча хўжаликларида суғориладиган ерлар ҳолати, сифатини акс эттирувчи тупроқ, тупроқ-мелиоратив хариталар мавжуд. Ишончимиз комилки, бу хўжаликлар ушбу Атласга ҳам эга бўладилар. Бироқ мазмун жиҳатдан жуда бой, амалий, иқтисодий жиҳатдан қишлоқ хўжалиги учун ўта зарур бу ҳужжатлардан самарали фойдаланиш зарур. Бунинг учун ҳар бир вилоят, туман, ҳаттоки хўжалик миқёсида ер тузувчи мутахассис билан ёнма-ён, у билан доимо ҳамкорликда ишлайдиган тупроқшунос-агрокимёгар мутахассис ҳам бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Чунки тупроқшунос мутахассиснинг, ўз номи айтиб турибдики, тупроқнинг тилини, унинг ички дунёсини тушунади, унинг хосса-хусусиятларига қараб касалини тузатиш, унумдор қилиш йўлини кўрсатиб беради.

Хуллас, республика Ер ресурслари давлат қўмитаси раҳбарлигида жуда катта ташкилотчилик ва меҳнат эвазига тайёрланган «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Атласи» ҳозирги кунда халқ хўжалиги, хусусан қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган субъектлар учун ер заҳираси тўғрисида тўғри тушунчага эга бўлишда ҳамда ундан самарали фойдаланишда илмий-амалий асос бўлиб, «Атлас»дан қишлоқ хўжалиги соҳасида билим олаётган бакалавриат, магистрант, аспирант, докторантлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда ер тузувчи, эколог, тупроқшунос, агрономлар учун кундалик қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

**С.АБДУЛЛАЕВ,**
**қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.**
**Л. ТУРСУНОВ,**
**биология фанлари доктори, профессор.**

Тақдимот

# МИЛЛИЙ КОШОНАДАГИ МИЛЛИЙ ТОШОЙНА

Ўзбек Миллий академик драма театрида таниқли шоира, таржимон Нодира Рашидова асари асосида яратилган «Усмон Носир» спектаклининг жамоатчилик кўриги ўтказилди. Унда истиқлолимиз куйчиларидан бири, 1937 йилги қатағон қурбони, шоир Усмон Носирнинг ҳаётий фаолияти акс этган.



«Мен Усмон Носирнинг жияниман, — деди Н.Рашидова. — У менга тоға бўлса, бутун ўзбек халқига фидойи оғадир. Асарда мен барча азоб-уқубатларга чидаган Ватан ўғлонининг образини очиб беришга уриндим. Бугунги ёшлар Усмон Носирнинг кимлигини шу спектакль орқали янада чуқурроқ билиб олсалар, дейман».

Режиссёр — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Азимов. Саҳналаштирувчи рассом — Бахтиёр Тўраев. Муаллиф, режиссёр ҳамда санъаткорлар меҳнатининг муштарак маҳсули — томошабинлар руҳиятига мос спектакль бунёд эта олган. Бош роль ижрочиси — истеъдодли актёр Фатхулла Маъсудов Усмон Носир образини маромига етказиб талқин эта олган. Ундаги барча хатти-ҳаракатлар, жўшқинлик, айни пайтда вазминлик образнинг тўлақонли акс этишига ёрдам беради. Ҳар бир шеърни чуқур эҳтирос билан, юксак савияда юракдан айтиши томошабинлар назарида гўё Усмон Носирнинг руҳи саҳна узра шеър айтиб кезиб юргандек туюлади:

*Севги, сенинг*
*ширин тилингдан*
*Ким ўпмаган,*
*ким тишламаган...*

**Ғофур ЖАБИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

**Республика "Маънавият ва маърифат" марказида жойларда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Марказ раҳбари А.Болиев бошқарган йиғилишда мамлакатимизда жорий йил — Оналар ва болалар йили деб эълон қилингани муносабати билан тузилган маърифий тадбирлар дастурининг бажарилиши, хусусан, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ўртасидаги "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани энг яхши ўқитувчиси" кўрик-танлови қандай ўтаётгани атрофлича таҳлил этилди. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларининг фаолиятини, улар олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш зарурлигига эътибор қаратилди. Бу борада "Истеъдодли ёшлар", "Ёш олимлар", "Ёш ҳуқуқшунослар", "Ота-оналар университети", "Ёш мафкурачилар" клублари яхши самара бермоқда.

Йиғилишда Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари "Маънавият ва маърифат" марказлари ташаббуси билан ташкил этилган "Энг фаол кутубхона", "Онам билан бирга китоб ўқиймиз" танловлари, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида ўтказилган бахшилар кўригини бошқа жойларда ҳам оммалаштириш юзасидан тавсиялар берилди.

**Элбек ХОЛИҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ташаббус

# КИТОБ — ИНСОН ҚАНОТИ

— Оиламизда тўққиз нафар киши бор, — дейди нуроталик Эгамберди Ҳайитов. — «Шошилинч тиббий ёрдам» марказида шофёрман. Турмуш ўртоғим боғчада тарбиячи. Етти нафар фарзандимиз билан кунда-кунора китоб мутолаа қиламиз. Тўғри, шахсий китобимиз оз, энди 500 тадан ошди. Уларни ўқиб чиққанмиз. Бошқа оилалар билан китоб алмашяпмиз. Маҳалламиздаги ёшу қари хазинамиздан баҳраманд. Китоб ақлни чархлайди, китобхонлик маҳалламизга меҳр-оқибат, қут-барака ёғдиряпти.

Фаол китоб тарғиботчиси Раҳим Қодировнинг ҳисоб-китобича Нурота шаҳрида юздан ортиқ шахсий кутубхонали оилалар бор. Х.Аслонов, С.Умурзоқов, Р.Тоҳиров, Ш.Фозилов кабиларнинг хонадонларида 1500-3000 тадан китоб тўпланган. Оилаларнинг каттаю кичиги ўқийди. Шу боис хонадонларга ҳамма ҳурмат билан қарашади, маънавиятли, маърифатли, диёнатли инсонлар сифатида қадрлашади. Қайси давра, қайси анжуман бўлмасин шу уй эгалари ибрат қилиб кўрсатилади. Бугина эмас, улардан кўпчилик китоб олиб ўқишади. Яхши асар тез орада қўлдан-қўлга ўтаверади. Қарабсизки, бутун маҳалла ўша асардан баҳраманд бўлади. Энди, ўша оддий бир оила тарқатган зиёни баҳолаб кўринг-чи!

— Оилавий китобхонларни кўпайтириш ҳар қандай бойликдан устун, — дейди Навбаҳор туманидаги Мирзамўмин қишлоғида яшовчи Шомурод Адизов. — Турмуш ўртоғим Меҳригул уй бекаси, бўш вақт топдими, мен ўқиган китобни ўқиб чиқади. Кейин у фарзандларимиз қўлига ўтади. Қарабсизки, оилавий баҳсга асос бор. Баҳслар эса дунёқараш белгиси. Ўғлим Жамшид, қизим Мунисаларнинг китоб билан муомаласи ўнлаб дўстлар орттиришларига сабаб бўлди, ўқишларидаги ўзгаришларни сезиб турибман.

Кузатишларимиздан маълум бўлдики, Навоий вилоятида китобхон оилалар сафини кенгайтиришда маълум тажриба тўпланди. Улар сони ҳисоблаб чиқилаётир, амалий ёрдам кўрсатилаётир. Ҳар бир маҳалла, қишлоқ, шаҳар, туманда «Энг китобхон оила» кўрик-танловларини ўтказиш одат тусига кирди. Улар гўё донишмандлик сабоқлари дарсларини эслатади.



Яқинда Абдулла Қодирий номли вилоят илмий-универсал кутубхонасида бўлиб ўтган шундай кўрик-танлов ҳам фикримизни исботлайди. Ўнлаб оилавий гуруҳларнинг билимдонлигига ҳавас қилса арзигулик. Китобни тарғиб этиш, асраш, кўпайтириш, мутолаадаги зийраклик, асарлар номларини тез айтиш, муаллифлар ҳақидаги маълумотлар, қаҳрамонлар тақдирига муносабат, қўйингки ҳар бир бадиий асарнинг инсонга нечоғли қанот бағишлаши ота-бола, қайнона-келин тилида ифодаланди. Маънавий дунёни бойитиш туйғусини диллардан-дилларга кўчиришга оид фикр-мулоҳазалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Гўёки, ғолиб бору, мағлуб йўқдай. Барибир конимехлик Абдусатторовлар, нуроталик Ҳайитовлар, Навоий шаҳридан Жўраевлар оилалари ғолиб деб эълон қилинди. Тарғиботчилик тажрибалари оммалаштиришга лойиқ дейилди.

Ўзига ҳам, неча-неча ўзга қалбларга ҳам эзгулик уруғини сочаётган оилалар бошлаган ташаббус янада кенг қулоч ёйиши аниқ. Ахир, бирор яхши китобни ўқиб ўз ҳаётида мутлақо янги саҳифа очган кишилар озмунчами! Ҳар бир китобхон оила бажараётган ишнинг салмоғини кўз олдимизга келтирайликчи. Уларнинг халқимизни янада маърифатли қилиш, ахлоқий юксалтириш, маънавий камолоти йўлидаги беминнат саъй-ҳаракатлари таҳсинга, эъзозга лойиқ-да!

— Китобсиз уй — жонсиз тана дейилиши бежиз эмас, — дейди марказий кутубхона директори муовини Шамсия Бақоева. — Биз ҳар оилага ақл чироғи кириб бориши, одамларда ўқишга меҳр-муҳаббат уйғотишнинг энг мақбул йўлларини излаб топяпмиз. Тизимимиздаги ишлар кўлами ҳам кенг. Тўғри, китоб тақчиллиги, айниқса яхши асарлар камёблиги сезилиб турибди. Маблағ масаласи сизга аён. Шундай пайтда китобхон оилалар, шахсий кутубхоналарнинг ўрни бўлакча. Улар бошлаган ташаббус қанчадан-қанча оилаларга бахт-қувонч нурини олиб кираяпти. Қўллаб-қувватламай бўладими, бу эзгу ниятни!

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Масофадан хизмат кўрсатиш

**«БАНК-МИЖОЗ»**

***тизимини таклиф этади***

банк хизматининг энг замонавий шакли миллий банк билан муносабатларингизга янги сифат бахш этади

Реал вақт шароитида тўловларни амалга ошириш, ҳисобварақлар, кирим ва чиқим тўловлари ҳолати тўғрисида ахборот олиш, бевосита офисингиздан ёки уйингизда туриб амалий ёзишмалар бажариш

1991 NBU 2001
National Bank of Uzbekistan

***МИЛЛИЙ БАНК - доимо Сиз билан!***

**Телефонларимиз: (99871) 1375937, 1375960 www.nbu.com**

5004/2305

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

***(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2001 йил 29 октябрдан 10 ноябргача бўлган маълумот)***

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

*1.* Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2001 йил 29 сентябрдаги 24/7-сон *«Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»*ги қарори.

***2001 йил 1 ноябрда 773-12-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 11 ноябрдан кучга киради).***

*2.* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 29 октябрдаги 115-сон ва Давлат солиқ қўмитасининг 2001 йил 29 октябрдаги 2001-107-сон *««Ўзбекэнерго» Давлат-акциядорлик компанияси корхоналари ҳисобварақларидан тўловларни амалга ошириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.

***2001 йил 6 ноябрда 1078-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 16 ноябрдан кучга киради).***

*3.* Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2001 йил 24 сентябрдаги 5-сон ва Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2001 йил 24 сентябрдаги 2001-12-сон *«Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.

***2001 йил 6 ноябрда 1079-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 16 ноябрдан кучга киради).***

*4.* Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2001 йил 6 октябрдаги 25/4-сон *«Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»*ги қарори.

***2001 йил 10 ноябрда 1080-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 20 ноябрдан кучга киради).***

*5.* Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодстат вазирлигининг 2001 йил 10 октябрдаги 33-сон, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2001 йил 10 октябрдаги 49-2-178-сон, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмасининг 2001 йил 10 октябрдаги 1-сон, «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг 2001 йил 10 октябрдаги 01/935-сон *«2-сон пахта (бир йилда бир марта, мавсум учун) ва 50-тп сон (мавсумий) шакллари бўйича пахта хом ашёсини қайта ишлаш тўғрисида ҳисобот тузиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.

***2001 йил 10 ноябрда 1081-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 20 ноябрдан кучга киради).***

*6.* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 2 ноябрдаги 117-сон *«Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пул маблағларини «Ўзагромашсервис» уюшмасининг МТПларига кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган қишлоқ хўжалик техникаси ва эҳтиёт қисмлари учун ўтказилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги буйруғи.

***2001 йил 10 ноябрда 1082-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 20 ноябрдан кучга киради).***

***II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:***

*1. Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириш мажмуавий дастурини амалга оширишга йўналтириладиган маблағларнинг ҳисоби ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги низом.* ЎзР Молия вазирлиги, Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (1996 йил 13 февралда 228-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2001 йил 30 октябрдаги 184-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

*2. Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома.* ЎзР Давлат монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан тасдиқланган (1999 йил 31 мартда 685-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2001 йил 6 ноябрдаги 187-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

*3. Ўзбекистон Республикасида қурилиши тугалланмаган объектларни аукционда ва танлов бўйича сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом.* ЎзР Давлат мулк қўмитаси томонидан тасдиқланган (1994 йил 5 майда 48-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2001 йил 7 ноябрдаги 188-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

*4. Пай ва акцияларни қайта тақсимлаш, ҳақиқий мулкдорларни аниқлаш тартиби.* ЎзР Давлат мулк қўмитаси томонидан тасдиқланган (1994 йил 1 июлда 75-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2001 йил 7 ноябрдаги 189-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

*5. Акциядорлик жамиятининг капиталидаги акцияларнинг давлат улушини бошқариш бўйича ҳуқуқларни ваколатли бошқарув органларига бериш тартиби тўғрисида низом.* ЎзР Давлат мулк қўмитаси томонидан тасдиқланган (1994 йил 20 июлда 79-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2001 йил 7 ноябрдаги 190-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

*6. Бозор ва ярмаркалар асосида ташкил этилган очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг намунавий низоми.* ЎзР Давлат мулк қўмитаси томонидан тасдиқланган (1996 йил 18 мартда 231-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2001 йил 7 ноябрдаги 191-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

*7. Асосий воситаларни қайта баҳолаш муносабати билан акциядорлик жамияти устав капиталини кўпайтириш тартиби тўғрисида низом.* ЎзР Давлат мулк қўмитаси томонидан тасдиқланган (1996 йил 10 апрелда 234-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2001 йил 7 ноябрдаги 192-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

*8. Очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги холдинг компаниясининг намунавий низоми.* ЎзР Давлат мулк қўмитаси томонидан тасдиқланган (1996 йил 25 июнда 255-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2001 йил 7 ноябрдаги 193-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

*9. Очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги молия-саноат гуруҳининг намунавий низоми.* ЎзР Давлат мулк қўмитаси томонидан тасдиқланган (1996 йил 25 июнда 256-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2001 йил 7 ноябрдаги 194-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

*10. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида йўриқнома ва 1, 2, 3, 4-сонли ўзгартиришлар.* ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган (1998 йил 18 ноябрда 539-сон, 1999 йил 1 мартда 539-1-сон, 1999 йил 14 апрелда 539-2-сон, 1999 йил 11 августда 539-3-сон, 1999 йил 15 декабрда 539-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2001 йил 10 ноябрдаги 195-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

*11. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг пул маблағларини «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» Давлат кооператив қўмитаси тизимидаги машина трактор паркларига кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган қишлоқ хўжалик техникаси ва эҳтиёт қисмлар учун ўтказилиш тартиби тўғрисида низом.* Ўзбекистон Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (2000 йил 8 сентябрда 967-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

***Адлия вазирининг 2001 йил 10 ноябрдаги 197-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.***

**Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан ва/ёки Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:***

*1.* Ўздавтемирйўлназоратнинг *«Ўзбекистон Республикаси темир йўлларида хабар берувчи сигналлар бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»*ги буйруғи.

**Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди, шунинг учун у белгиланган тартибда ушбу идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

***IV. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:***

*1. Ўзбекистон Республикаси спорт унвонлари ва даражаларини бериш бўйича Ягона спорт таснифлагичи тўғрисида низом.* ЎзР Давлат спорт қўмитаси томонидан тақдим этилган.

*2.* Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг *«Хўжалик юритувчи субъектлардан давлат бюджети маблағлари ва марказлашган кредитлар ҳисобидан қурилаётган объектлардаги бажарилган, лекин хаққи тўланмаган ишлар бўйича солиқларни тўламаганлик учун ҳисоблаб чиқарилган жарима ва штрафларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.

*3.* Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг *«Ўзбекистон Республикаси банк тизимида фойдаланиладиган электрон маълумотномаларни ишлаб чиқиш ва юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»*ги қарори.

**Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.**

***V. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:***

*1.* «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг *«Ўзбекистон Республикасида коммунал сув таъминоти ва сув тармоқлаш тизимларидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»*ги буйруғи.

*2.* Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг *«Аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»*ги буйруғи.

*3.* Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг *«Гиёҳванд моддалар, психотроп воситалар ва прекурсорларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш ва ҳисобга олиш шартлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги буйруғи.

*4.* Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг *«Гиёҳванд моддалар, психотроп воситалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ операцияларни махсус рўйхатга олиш китобини юритиш ва сақлаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги буйруғи.

*5.* Дававианазоратнинг *«Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация таркибини тиббий текширувдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги буйруғи.

*6.* Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг *«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 26 мартдаги ПФ-1980-сон «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш ҳақида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш тўғрисида»*ги кўрсатмаси.

*7.* Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг *«Инвестиция воситачилари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги буйруғи.

*8.* Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитасининг *«Хўжалик судлари томонидан тижорат банклари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги шартномавий мажбуриятларни бузилишига оид низоларни кўриб чиқиш, хўжалик суди қарорларини банклар ва солиқ идоралари томонидан ижро этиш ҳамда ҳисобот юритиш ва умумлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»* қарори.

*9.* Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг *«Олий ва ўрта махсус таълим фидойиси» кўкрак нишони ҳақида»*ги қарори.

*10.* Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг *«Ўзбекистон Республикаси олий таълим аълочиси» кўкрак нишони ҳақида»*ги қарори.

*11.* Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг *«Фермер хўжаликларининг моддий-техник таъминоти, уларга хизмат кўрсатиш ва ўзаро ҳисоб-китоб масалаларини мувофиқлаштириш бўйича тартибни тасдиқлаш ҳақида»*ги буйруғи.

*12.* Ўздавтемирйўлназоратнинг *«Ўзбекистон Республикаси темир йўлларида поездларнинг ҳаракатланиши ва маневрлик ишлари тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»*ги буйруғи.

*13.* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Макроиқтисодстат вазирлиги, Марказий банкнинг *«Бухгалтерлик ҳисоби, статистик ҳисобот ва бошқа ҳисобларда хорижий валютадаги операцияларни акс эттириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқдаш ҳақида»*ги қарори.

*14.* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмасининг *«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қоғоз макулатураси топширувчиларини рағбатлантириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги қарори.

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***

***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар:***
***133-38-67, 132-00-28***

